ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
МИГРАЦИЯСИ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИДА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА

_____ - СОНЛИ

20____ йил « ___ » _____Тошкент ш.

ТОШКЕНТ-202__

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Корея Республикасида иш билан таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида
ШАРТНОМА

Мазкур Шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 353, 354, 292 ва 357-моддаларига “Бандликка рухсат бериш тизими бўйича ишчи кучини Корея Республикасига юбориш тўғрисида”ги Меморандум (бундан буён «Меморандум» деб юритилади), Корея Республикасининг “Чет эллик ишчиларни ишга жойлаштириш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миграция агентлиги (бундан буён матнда “Агентлик” деб юритилади), номидан Агентликнинг Низоми асосида фаолият юритувчи Агентликнинг директори _____ ва вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун юборилаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси

|_____
(фамилияси)

_____
(исм ва отасининг исми)

(бундан буён матнда “Фуқаро” деб юритилади) ҳамда Фуқаронинг хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича Кафил Ўзбекистон Республикаси фуқароси

_____
(фамилияси)

_____
(исми ва отасининг исми)

(бундан буён “Кафил” деб юритилади) ўртасида (биргаликда “Томонлар” деб юритилади) қуйидагилар ҳақида тузилди:

I. Шартнома предмети

1.1. Мазкур Шартнома бўйича Агентлик Меморандум талабларидан келиб чиқиб, фуқарога Корея Республикасида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун юбориш ҳамда кетишдан олдин ўқитиш ва мослаштириш бўйича хизматлар кўрсатади.

1.2.Фуқаро мазкур шартноманинг 2.2-бандида кўрсатиб ўтилган харажатларни белгиланган муддатда Агентлик ҳисобига тўлаб беришни, 4.2.-бандларида кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажаришни ўз зиммасига олади.

1.3. Мазкур шартномага мувофиқ фуқаронинг Кореядаги меҳнат фаолияти Меморандум ҳамда Корея Республикасининг қонунлари билан тартибга солинади.

1.4. Кафил мазкур шартнома бўйича фуқаронинг мажбуриятларини тўла бажариши учун Агентлик олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади.

II. Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби

2.1. Мазкур Шартномага асосан Агентлик қуйидаги хизмат турларини кўрсатади: ўқув-тайёргарлик ва мослаштириш билан боғлиқ хизматлар;

- Корея Республикасида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун юбориш;

Агентлик томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилгандан сўнг электрон ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб фуқорога амалдаги қонунчилик талаблари асосида электрон

хисобварақ-фактура айланиш тизими оператори орқали юборилади. Мазкур расмийлаштирилган электрон хисоб-фактура хизматларининг тўлиқ кўрсатилганлигини тасдиқловчи хужжат хисобланади.

2.2. Фуқаро Корея Республикасига жўнаб кетишдан олдин қуйида кўрсатиладиган хизматлар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг (кейинги ўринларда – “БҲМ”деб юритилади) 50 (эллик) баробари миқдоридаги (ҚҚСни ҳисобга олган холда) пул маблағининг 100 фоизини тўлаб беради:

Корея Республикасида иш билан таъминлашга кўмаклашиш бўйича хизмат кўрсатиш:

Шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундаги БХМнинг 40(қирқ) баробари миқдоридаги пул маблағини:

Кўниктириш ва ўқитиш бўйича хизмат кўрсатиш

Шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундаги БХМнинг 10(ўн) баробари миқдоридаги пул маблағини:

2.3.Мазкур Шартнома томонлар ўртасида имзолангач, фуқаро ушбу Шартноманинг 2.2.бандида кўрсатилган харажатларни 5 (беш) банк куни ичида Агентлик банк ҳисоб рақамига ўтказади ҳамда банкнинг тўлов ҳужжати нусҳасини Агентликга тақдим этади. Харажатлар суммаси Агентликнинг банкдаги ҳисоб рақамига келиб тушганлиги тасдиқлангунга қадар фуқарога Агентлик хизматлари кўрсатилмайди. Харажатлар белгиланган муддатда тўланмаган тақдирда мазкур шартнома бекор қилинади.

2.4. Фуқаро Агентликка боғлиқ сабаб билан Корея Республикасида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетолмаса, кўниктириш ва ўқитиш бўйича кўрсатилган хизмат учун тўловлардан ташқари бошқа тўловлар қайтарилади.

III. Агентликнинг мажбуриятлари

3.1. Фуқарони Корея Республикасидаги меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини таъминлаш ва ташкил этишда Агентликнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

3.1.1. Корея иш берувчисининг фуқаро билан имзолаш учун юборган меҳнат шартномаси лойиҳасини фуқарога тақдим этиш ва унинг шартлари билан фуқарони батафсил таништириш;

3.1.2. Кореянинг бандликка кўмаклашиш тизимида меҳнат фаолиятини амалга оширишнинг асосий шартлари ва талаблари тўғрисида фуқорога умумий маълумотлар ва тавсиялар бериш;

3.1.3. Фуқаронинг Корея Республикасига кириш визасини олиш билан боғлиқ ҳужжатларни Корея Республикасининг ваколатли муассасалари билан келишилган тартибда расмийлаштириш ҳамда Корея Республикаси элчихонасидан кириш визаси учун ҳужжатларини йиғишда амалий ёрдам кўрсатиш;

3.1.4. Фуқарога “Тошкент-Сеул” йўналиши бўйича авиачипта харид қилинишини ташкил этиш ва фуқарони Кореяга кетишига кўмаклашиш таъминлаш;

3.1.5. Корея Республикасида фуқоронинг меҳнат ҳуқуқлари камситилган тақдирда Корея Республикаси Бандлик ва меҳнат вазирлигининг ваколатли идораларига мурожат қилиш ва фуқаронинг манфаатларини ваколати доирасида ҳимоя қилиш;

3.1.6. Фуқаро Корея Республикасига жўнаб кетгунига қадар белгиланган муддатда фуқарони Кореяда меҳнат фаолиятига тайёрлаш, кўниктириш ва ўқитиш бўйича машғулотларда иштирок этишини таъминлаш;

3.1.7. Ўқиш учун зарур бўлган шароит ва жиҳозлар билан таъминлаш;

3.1.8. Номзодни махсус кийим ва ўқув материаллари билан таъминлаш;

3.1.9. Кўниктириш ва ўқитиш жараёни дастурини тўлиқ ўзлаштирмаган ва назоратларда қониқарсиз натижа кўрсатган номзодни қўшимча яна ўн кунгача кўниктириш ва ўқитиш жараёнида қолдириш;

3.1.10.Ўрнатилган тартиб-интизомларни бузган ёки ташкил этилган кўниктириш ва ўқитиш жараёнида қатнашмаган фукорони чет элга юбориладиган фукоролар сафидан четлаштириш;

3.1.11. Чет элдаги иш берувчининг талабига мувофиқ Фуқарони тиббий кўрикдан ўтказишни ташкиллаштириш.

IV. Фуқаронинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Фуқаронинг Корея Республикасига кетишидан олдин ва Корея Республикасида бўлган вақтда меҳнат фаолиятини амалга оширишга оид хуқуқлари:

4.1.1. Кореянинг меҳнат қонунчилиги талабларига риоя қилган ҳолда меҳнат фаолиятини олиб бориш;

4.1.2. Корея иш берувчиси билан тузилган меҳнат шартномаси асосида меҳнат фаолиятини олиб бориш;

4.1.3. Корея Республикасининг “Хорижий ишчиларнинг бандлиги тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ иш берувчи томонидан дискриминацияга йўл қўйилмаслигини талаб қилиш, қонуний ҳимоядан фойдаланиш;

4.1.4. Иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси асосида Корея Республикаси ишчилари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланиш;

4.1.5. Меморандумга мувофиқ фуқаро Корея иш берувчиси олдида меҳнат ҳуқуқи ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Корея Республикасининг ваколатли давлат органларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш;

4.1.6. Меҳнат фаолияти давомида Корея иш берувчиси билан юзага келган низоларни ҳал қилиш мақсадида Агентликка ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Кореядаги элчихонасига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш.

4.1.7. Фуқаронинг Корея Республикасида меҳнат ҳуқуқлари Корея Республикасининг қонунчилиги асосида тартибга солинади.

4.1.8. Корея давлатида меҳнат фаолиятини олиб бориш даврида фуқаронинг ҳаёти ва соғлигини суғурлаташ Корея Республикаси қонунчилиги асосида тартибга солинади.

4.2. Мазкур Шартномага мувофиқ фуқаро Кореяда меҳнат фаолиятини амалга оширишда қуйидаги мажбуриятларни бажаришни ўз зиммасига олади:

4.2.1. Корея меҳнат қонунчилигига қатъий риоя қилган ҳолда иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномасига асосан меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳамда Корея қонунлари, миллий анъаналари, урф-одати ва одоб-аҳлоқ нормаларига қатъий риоя қилиш;

4.2.2. Кореяга жўнаб кетишдан олдин мазкур шартноманинг 2.2.-бандида белгиланган харажатларни ўз вақтида тўлаб бериш;

4.2.3. Корея ҳудудида ноқонуний мақомда бўлмаслик;

4.2.4. Корея иш берувчиси билан тузилган меҳнат шартномаси ҳамда тиббий кўрик ҳулосалари асл нусҳаларини Корея Республикаси ваколатли органларига тақдим этиш;

4.2.5. Ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда қийинчилик туғдираётган ёки тўсқинлик қилаётган вазиятлар тўғрисида иш берувчи, Корея Республикаси ваколатли органларига ёки Агентликка зудлик билан мурожаат қилиш;

4.2.6. Корея Республикаси қонунларига қатъий риоя этиши билан бирга, қонунга зид ҳаракатлар содир этмаслик;

4.2.7. Корея Республикаси қонунчилигини бузган ҳолда иш ташлаш билан боғлиқ бирон бир сиёсий ёки бошқа тадбирларда иштирок этмаслик;

4.2.8. Меҳнат шартномасининг муддати ва ишчи виза муддати тугагач (ёки иш берувчи билан келишувга кўра меҳнат шартномасининг муддатидан олдин бекор қилинганда) 10 (ўн) иш куни ичида Ўзбекистонга қайтиш;

4.2.9. Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш шартномаси шартлари бузилган тақдирда, Миграция жамғармаси ҳисобидан ажратилган субсидия, компенсация, микрокредитлар ва бошқа тўловларни муддатидан олдин қайтариш.

V. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Фуқаро ушбу Шартноманинг 4.2.6-кичик бандида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Корея Республикасининг ваколатли органлари томонидан Ўзбекистонга (депортация) қайтариб юборилади ва уни қайтариш билан боғлиқ харажатларни қоплаш фуқаро ёки унинг Кафили зиммасига юкланади.

5.2. **Мазкур шартнома 4.2.3.-бандининг қоидалари фуқаро томонидан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда унга нисбатан мажбурият бажарилиши кечиктирилган кундан бошлаб ҳар бир ой учун 2000 (икки минг) АҚШ доллари миқдорида жарима қўлланилади.**

5.3. Шартнома муддати тугаган тақдирда ёки бирон бир сабабларга кўра ватанига қайтган фуқаро календар бўйича 30 (ўттиз) кун ичида “Меҳнат фаолиятини амалга оширишдан сўнг келган шахс” сифатида рўйхатга туриш учун Агентликка ташриф буюриши шарт.

5.4. Ушбу Шартномада кўрсатилган жарималар фуқародан Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг АҚШ долларига ҳамда Жанубий Корея вонига нисбатан жарима (неустойка) тўланаётган ёки суд қарори чиқарилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курси бўйича сўмда ундириб олинади.

5.5.Ушбу Шартномада белгиланган жарима миқдорини фуқаро ихтиёрий тўламаган тақдирда, ёки фуқародан бу жаримани ундириш имконияти бўлмаса, яъни фуқаро ноқонуний мақомда Корея Республикасида бўлган тақдирда, мазкур жарималарни тўлаш ҳамда Агентликнинг фуқарони Ўзбекистонга қайтариш билан боғлиқ бўлган харажатларини қоплаш мажбурияти унинг кафили зиммасига юкланади. Жарима суммасини тўлаш ҳамда Агентлик харажатларини қоплаб бериш хақида кафилга талабнома орқали хабар берилади. Кафил жарима (неустойка) суммасини тўлашдан бош тортган тақдирда, жарима қонун билан белгиланган тартибда ундирилади.

VI. Кафиллик

6.1. Кафил - Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Корея Республикасида иш билан таъминлашга кўмаклашиш бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги Шартнома бўйича қарздорнинг кредитор олдидаги келгусида вужудга келадиган мажбуриятларини

тўла бажаришни ҳамда қарздорлигини тўлиқ хажмда қоплаб беришини ўз зиммасига олувчи шахс.

6.2. Қарздор ушбу шартноманинг бандларида кўрсатиб ўтилган шартнома мажбуриятларини, шу жумладан шартномадан келиб чиқувчи жарималарни тўлаш билан боғлиқ мажбуриятларини бажариши учун Кредитор олдида қанча ҳажмда жавобгар бўлса, Кафил ҳам худди шунча ҳажмда жавобгардир.

VII. Форс-мажор холатлар

7. Томонларнинг хоҳиш-иродаси ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган форс-мажор ҳолатлари (табиий офатлар, ҳарбий харакатлар, фавқулодда ҳодисалар, Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар ва ҳоказо) туфайли ушбу шартнома шартлари бажарилмаган (лозим даражада бажарилмаган) тақдирда, айбдор томон шартномавий жавобгарликдан озод этилади.

VIII. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар

8.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар, коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилишини таъминлайдилар.

8.2. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Томонлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

8.3. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Томоннинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

VIII. Низоларни ҳал қилиш

8. Мазкур шартномада белгиланган мажбуриятларни бажаришдан келиб чиқадиган ёки уларни бажаришда юзага келадиган барча низолар томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал этилади. Башарти низо томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал этилмаса, у ҳолда низолар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ишлари бўйича судларида ҳал этилади.

IX. Якунловчи қоидалар

9.1. Ушбу Шартнома ўзбек тилида, уч нусхада тузилади, бир нусхадан шартнома томонларида қолади ва бир хил юридик кучга эга бўлади.

9.2. Ушбу Шартномага томонларнинг ўзаро келишуви асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Шартномага киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда амалга оширилади ва шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

9.3. Томонлар мазкур шартномани электрон (Face ID) шаклда имзоланишига розилик билдирадилар.

Миграция агентлиги

Манзили: 100179, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани,
Қамарнисо кўчаси, 1-уй. Телефон рақами:_____
Электрон почта манзили:_____

Директор _____

Ўзбекистон Республикаси фуқароси:	Кафил:
_____	_____
_____	_____
Паспорт серияси ва рақами:	Паспорт серияси ва рақами:
_____	_____
Яшаш манзили:	Яшаш манзили:
_____	_____
_____	_____
_____	_____
Телефон рақами:	Телефон рақами:
_____	_____
Имзо: _____	Имзо: _____